




Кўп қиррали Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини тубдан кенгайтириш зарурлиги таъкидланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни Қозоғистон Республикаси Бош вазири Олжас Бектенов бошчилигидаги ҳукумат делегациясини қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари Бош вазир Олжас Бектановни яқинда ушбу лавозимга тайинлангани билан самимий қутлади ва масъулиятли фаолиятида катта муваффақиятлар тилади.

Ўз навбатида, Қозоғистон Ҳукумати раҳбари Ўзбекистон Президентига Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва энг эзгу тилақларини етказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали шериклики янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Хусусан, бўлажак олий даражадаги қўшма тадбирларга тайёргарлик доирасида ҳамкорлиқнинг янги кун тартибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш жараёнида, шу жумладан, ваколатли вазирлар бошчилигидаги ишчи гуруҳ доирасида тўсиқларни бартараф этиш ва ўзаро келишилган чораларни кўриш зарурлиги қайд этилди.

Мамлакатларимиз стратегик шериклигида муҳим йўналишлар бўлган саноат, транспорт ва логистикада кооперацияни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Устувор тармоқлардаги инвестиция дастурларининг янги портфелини ҳамда транспорт ва энергетика соҳасидаги минтақавий аҳамиятга эга инфратузилмаларни лойиҳаларни фаол илгари суриш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни тубдан кенгайтириш мақсадида ҳукуматлар даражасида яқин ва тизимли алоқаларни давом эттириш муҳимлигини қайд этди.

Ў.А.

СПОРТ ТУРЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ РЕЖАЛАРИ ТАҚДИМОТ ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев юртимизда оғир атлетикани ҳамда маҳаллаларда футбол инфратузилмасини ривожлантиришга оид тақдимот билан танишди.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказишда спорт катта ўрин эгаллайди. “Беш ташаббус” олимпиадаси, республика чемпионатлари доирасида у кенг қўлам касб этмоқда. Шу билан бирга, олимпиада спорт турларини ривожлантириб, маҳоратли спортчиларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида оғир атлетика бўйича барча ёш тоифасидаги спортчилар билан индивидуал ишлаш тизимини яратиш ҳамда уларни профессионал даражада тайёрлаш учун Оғир атлетика маркази ташкил этиш вазифаси белгиланган.

Ушбу марказ Спорт вазирлиги ҳузурида Чирчиқ шаҳрида ташкил этилади. У ихтисослаштирилган таълим муассасаси бўлиб, 7-11-синф болаларга сабоқ берилади. Улар илгори усуллар асосида терма жамоаларга асосий номзод сифатида тайёрланади. Марказ 2025/2026 ўқув йилидан фаолият бошлаши кўзда тутилган.

Шунингдек, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ҳомийлигида Оғир атлетика спорт клуби ташкил этилади. Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Тошкент ва Самарқанд вилоятда ҳудудий мактаблар очилади.

Умуман, бу йўналишни ривожлантириш мақсадида уч йиллик дастур ишлаб чиқилди. Унда ёшларнинг оғир атлетикага қизиқишини ошириш, ҳудудларда спортчилар учун етарли шaroитлар яратиш, селекция жараёнларини рақамлаштириш, малакали хорижий мутахассисларни жалб этиб, илгор тажрибаларни ўзлаштириш каби вазифалар қамраб олинган.

Бунинг учун маҳаллаларда мавжуд стадионлар ва бошқа спорт майдончаларидан самарали фойдаланилади. Улар йўқ жойларда давлат-хусусий шериклик асосида шундай ишшоотлар барпо этилади. Эраклар ва аёлларнинг турли ёш тоифалари ўртасида маҳалла терма жамоалари тузилади. Иқтидорли ёшлар аниқланиб, профессионал футбол муассасаларига йўналтирилади.

Бу борада маҳалладаги ёшлар етакчиларига Ўзбекистон футбол ассоциациясининг ҳудудий бўлинмалари ва спорт мактаблари қўмаклашади.

Шунингдек, жорий йилдан бошлаб, Англия мактаблари футбол ассоциацияси тажрибаси асосида 8-11-синф ўқувчилари орасидан мактаб футбол етакчиси танлаб олинади. 12-15 ёшлар ўртасида икки босқичли “Маҳалла лигаси” ҳамда 16-30 ёш тоифалари орасида уч босқичли Давлат хавфсизлик хизмати кубоги мусобақаларини ўтказиш йўлга қўйилади.

Булари маҳаллалардан бошлаб футбол инфратузилмасини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни танлаш ва қўллаб-қувватлаш, миллий терма жамоалар учун сифатли захира шакллантиришга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари бу тақдирларни маъқуллаб, ёшлар ўртасида спорт ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлаш, мусобақаларни юқори тақдирли даражада ўтказиш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2025 йилда ЮНЕСКО бош конференцияси 43-сессиясининг самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўсини янада ошириш ва мустаҳкамлашда, икки ва кўп томонлама ҳамкорликларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришда ЮНЕСКО муҳим платформа вазифасини ўтаб келмоқда.

Бунинг натижасида 2017-2023 йилларда миллий маданий меросимизнинг 14 та ноёб намунаси ЮНЕСКОнинг рўйхатларидан жой олиб, инсоният мероси сифатида халқаро миқёсда эътироф этилди. Бухоро шаҳри Ижодкор шаҳарлар тармоғига киритилди.

2023 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО Бош қароргоҳида буюк мутафаккир ва қомусий олим Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги кенг нишонланди.

Айниқса, 2023 йил 7-22 ноябрь кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференциясининг 42-сессияси якунида Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессиясини (кейинги ўринларда — Сессия) 2025 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси бир овоздан қўллаб-қувватлангани жаҳон ҳамжамияти томонидан муҳим воқеа сифатида эътироф этилди.

Ушбу нуфузли халқаро анжумани юқори даражада ўтказишга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш, шунингдек, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ҳамкорлигини янада ривожлантириш мақсадида:

1. 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича **ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) тузилсин ҳамда унинг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий қўмита (А.Н. Арипов): Сессияни ўтказиш билан боғлиқ барча ташкилий масалаларни ҳал қилиб борсин,

шунингдек, ахборот-таҳлилий ва бошқа ҳужжатларнинг ўз вақтида ва сифатли тайёрланишини таъминласин;

Сессиянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилишининг аҳамияти ҳақида юқори сифатли **медиа маҳсулотлар** ҳамда **аудиовизуал асарлар яратиш**, уларни маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида эфирга бериб бориш, ижтимоий тармоқларга жойлаштириш, **хештег** ва **челленж** каби усулларни қўллаш орқали **кенг тарғиб қилиш** чораларини кўрсин;

▶ Давоми 2-бетда

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ! ВАТАН МАНЗУМАСИ ЮРАККА ЖОДИР

Ватанни севмоқ иймондандир. Иймони бут — Ватан дейди, эл дейди. Ўзлигини ундан айро тасаввур қилолмайди. Халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” шеърини ўқимаган ёхуд эшитмаган юртдошимиз бўлмаса керак. Шоир куйлаганидек, инсон боласи қачон ва қаерда бўлмасин, Ватан дейди, она дейди. Бир сўйим юрт тупроғини кўзига тўтиё айланди.

Мана, бир неча кундири, пойтахтимиздаги муҳташам “Туркистон” санъат саройида “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий дастур намойиш этилмоқда. Бу юксак ватанпарварлик, мардлик ва жасоратни тараннум этиш, тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги учун сафарбарлик сингари эзгу фазилатлар акс эттирилган навбатдаги намойишдир.

Президентимиз, Қуролли кучлар Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёевнинг шу йил январь ойида ўтказилган Хавфсизлик

кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида “Барчамиз, энг аввало, Ватан ҳимоячиси, тинчлик посбони бўлишимиз зарур”, деган сўзлари бутун халқимизнинг қалбидан жой олди десак, айна ҳақиқат бўлади. Мамлакатимизда мана шу эзгу гоёни амалга ошириш мақсадида барча соҳаларда, жумладан, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида ҳам муҳим ишлар бажарилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

МАҲАЛЛАБАЙ ИШЛАШ ТИЗИМИ одамларда тадбиркорлик кўникмасини ошириб, ишсизликни бартараф этишга хизмат қилмоқда



Мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши, аҳоли фаровонлигини ошириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда маҳалла институтининг ўрни бекиёс. Шу боис, кейинги йилларда ҳамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида маҳаллалар мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 3 декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги фармони бу борадаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Фармонда аҳолининг тадбиркорлик ташаббусини амалга оширишга молиявий қўмаклашиш, даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш борасида устувор вазифалар белгиланган. Бу йўналишдаги ишларда “маҳалла еттилити”, жумладан, ҳоким ёрдамчиси фаолияти йўлга қўйилгани айна мудабо бўлмоқда.

Албатта, маҳаллада мавжуд муаммолар ва аҳолининг кундалик масалаларини биргина маҳалла тизими ҳодимлари томонидан бартараф этиш мушкул. Шу сабабли, бу жараёнда ҳар бир соҳа масъулларининг иштироки муҳим. Жойларда олиб борилаётган маҳаллабай ишлаш механизмнинг ҳам асосини ана шу тамойил — барча соҳа вакилларининг ҳамжиҳат бўлиб, ҳудудлардаги масалаларни ечишга комплекс ёндашиш тушунилади. Маҳаллабай ишлаш, бу барча соҳа мутасаддиларининг бир мушт бўлиб, муаммолар ва аҳоли турмушидаги муҳим масалаларни биргаликда ҳал этишнинг янги механизмидир.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

2025 йилда ЮНЕСКО бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида

Бошланиши 1-бетда

Сессиянинг Самарқанд шаҳрида ўтказилиши муносабати билан **“Самарқанд — жаҳон тамаддулари чорраҳасида” китоб-альбомни ўзбек, рус, инглиз ва француз тилларида чоп этиш, почта маркалари ва конвертлар туркумини яратиш, таквимлар ва кўргазмаларни тарғибот воситалари, эсдалик тангалари, кумуш ва олтин тангаларнинг муомалага чиқарилишини ташкил қилсин;**

Сессия доирасида Самарқанд шаҳрида тадбирлар ўтказиладиган жойларни замонавий техник ва телекоммуникация ускуналари билан жиҳозласин ҳамда Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги объектлар ва зарур бўлган меҳмонхона фондини тайёрласин;

Сессия доирасида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида маданий тадбирлар, экскурсиялар ва қабулларни юқори савияда ташкил этсин;

Сессия иштирокчиларининг келиши ва кетиши, уларга виза расмийлаштириш, транспорт ва тиббий хизматлар кўрсатиш масалалари самарали ҳал қилинишини мувофиқлаштирсин.

3. Сессия **“Silk Road Samarkand” сайёҳлик мажмуасида** ўтказилсин.

4. Сессияга тайёргарлик доирасида: Маданий мерос агентлиги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

билан биргаликда — Самарқанд шаҳридаги тегишли маданий мерос объектларини асрашга доир ишларни ҳамда иммерсив ва мавзули кўргазмаларни ташкил этсин;

Ташқи ишлар вазирлиги — ЮНЕСКО Бош директори номига **Ўзбекистон Республикасининг Маданий ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш бўйича халқаро тадқиқот марказига аъзо бўлиш** учун расмий ариза топширсин;

ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссия — Ўзбекистондаги шаҳарлар, ноёб маданий ва табиий мерос объектларини тегишлича ЮНЕСКОнинг **Ижодкор шаҳарлар** ҳамда **Таълимни тарғиб этувчи шаҳарлар тармоқларига**, шунингдек, **халқаро рўйхатларига киритиш** чораларини кўрсин;

Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси — ЮНЕСКО мезонлари асосида ва хорижий экспертларни жалб этган ҳолда Самарқанд шаҳрида **Буюк ипак йўли давлат музейини** ташкил этиш, соҳибқирон **Амир Темур боғларини** қайта тиклаш, **Бибионим мажмуасини** реставрация қилиш, Умумжаҳон мероси рўйхатига киритилган **Бухоро тарихий марказини муҳофиза қилишга қаратилган унинг мастер ва менежмент режаларини** ишлаб чиқиш бўйича тегишли қарорлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, тегишли вазирлик ва идоралар Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда — Сессиянинг мамлакатимизда ўтказилишининг аҳамиятини, шунингдек, **Ўзбекистон жаҳон сиёсатининг марказларидан бирига, глобал ташаббуслар муаллифига айланиб бораётганини** атрофлича очиб беришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этсин.

5. Қуйидагилар: 2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш бўйича **“йўл харитаси”** 2-иловага мувофиқ;

2025 йилда ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясининг Самарқанд шаҳрида ўтказилишига тайёргарлик кўриш доирасида **хорижий давлатларда тарғибот ишларини ташкил этадиган Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва олий таълим муассасалари рўйхати** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар ушбу қарорга мувофиқ **давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихи**, жаҳон цивилизациясига бекиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий мероси ҳамда мамлакатимизда амалга

оширилаётган **ислохотлар натижаларини хорижий давлатларда кенг тарғиб қилиш** ҳамда улар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш чора-тадбирларини белгиланган тартибда амалга оширсин.

6. Белгилансинки: Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси Ташкилий қўмитанинг **Ишчи органи** (кейинги ўринларда — Ишчи орган) ҳисобланади;

“ИнтерФорум” давлат унитар корхонаси Сессияни ташкил этишга тайёргарлик кўриш бўйича **Бош оператор** ҳисобланади;

вазирликлар ва идораларнинг биринчи раҳбарлари ушбу қарорда назарда тутилган топшириқлар, шунингдек, Ташкилий қўмита ҳамда Ишчи органининг бошқа тезкор кўрсатмалари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Ташқи ишлар вазирлиги Сессия иштирокчилари учун Ишчи органининг виза талабномаларига биноан кириш визаларини консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирмасдан, зарур ҳолларда “Тошкент” ва “Самарқанд” халқаро аэропортларида расмийлаштиришини таъминласин.

8. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва халқаро

ташкilotлар ҳузуридаги ваколатхоналарининг умумий штат бирликлари сонини ўзгартирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ЮНЕСКО ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси (кейинги ўринларда — Доимий ваколатхона) штатлар жадвалига маслаҳатчи ва иккинчи котиб иккита қўшимча штат бирлиги киритилсин, шунингдек, Доимий ваколатхонага қўшимча битта транспорт воситасини сақлашга лимит ажратилсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги Доимий ваколатхонаси сақлаш харажатларини унинг ташкилий-штат тузилмасидаги ўзгаришлари ва қўшимча битта транспорт воситасини сақлашга лимит ажратилганини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2024 йилга мўлжалланган Давлат бюджети параметрларида Ташқи ишлар вазирлигига ажратилган маблағлар доирасида молиялаштиришни таъминласин.

10. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий медиа ассоциацияси, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига

Сессиянинг мамлакатимизда ўтказилишининг аҳамияти ҳамда ушбу қарор доирасида амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича (ЮНЕСКО) доимий ваколатхонаси фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3957-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгатиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул этиб ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси раиси Г.О.Умерова ва ташқи ишлар вазири Б.О.Сандов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 15 март

Мен нечун севаман Ўзбекистонни!

ВАТАН МАНЗУМАСИ ЮРАККА ЖОДИР

Бошланиши 1-бетда

— Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Маданият вазирликлари, Ёзувчилар уюшмаси, Кинематография агентлиги ва бошқа ташкилотлар ҳамда истеъдодли ижодкорлар томонидан тайёрланган ушбу маърифий дастур, аввало, биз ўрганган одатий томошалардан тубдан фарқ қилиши, аниқ гоа ва сюжет ҳамда театрлаштирилган бадиий композиция асосида тайёрлангани билан йиғилганлар эътиборини тортди, — дейди Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид. — Дастурга пухта тайёргарлик кўрилган. Ташкилий ва ижодий гуруҳ томонидан Ватан ва халққа мухаббат, садоқат туйғуси улугланган, томошабинларнинг маънавий оламини юксалтирадиган шеърлар сараланган. Ҳарбий хизматчилар орасида ижодий танловлар ўтказилиб, сахна маҳоратига эга истеъдодли аскар ва офицерлар танлаб олинди. Янги-янги овозлар кашф этилди. Шеър ва куй-қўшиқларнинг маъно-маъмунини ифодалайдиган, таъсирчанлигини оширишга қаратилган видеолавҳалар суратга олинди.

Маълумки, бир неча йилдан буён мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, улғайиб келаётган авлоднинг онги, тафаккурини тўғри шакллантириш, ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратиш масаласига устувор аҳамият қаратилиб, бу борадаги амалий ишларни замон билан ҳамнафас ташкил этиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Улар қаторида бу йил иккинчи бор ўтказиладиган тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлаш, эл-юрт фаровонлиги учун сафарбарлик, ватанпарварлик, мардлик ва жасорат сингари эзгу фазилатлар акс эттирилган “Ватан манзумаси” номли адабий-маърифий кечалар жамоатчилик ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Саҳна очилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси янграйди. Ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарлар сардорлари бошчилигида чиқиб келади. Дастур давомида томошабин бу йигитларнинг ҳарбий хизматда ҳам жисмоний, ҳам ак-

лий ва маънавий жиҳатдан камол топиб, мард ва профессионал аскарларга — чинакам Ватан ҳимоячиларига айланганига гувоҳ бўлади.

Кечада Ўзбекистон Қуролли кучларидаги замонавий ўзгаришлар, “Халқ билан армия — бир тану бир жон” деган эзгу гоа, кўпмиллатли халқимизга хос аҳиллик ва ҳамжиҳатлик туйғуларининг миллий армиямиз ҳаётида ёрқин намоён бўлаётгани чуқур очиб берилади.

Аскарларнинг ҳаяжонли ва масъулиятли ҳарбий қасамёд оналири, далада, сувда, тоғ шариотида машқ, парашютдан сакраш, машаққатли ва мураккаб машғулотлар, йигитлик бурчига содиқ, жасур ўғлонларнинг шиддат билан мақсадга интилиши, чегараларимиз дахлсизлигини муносиб ҳимоя қилиш учун зарур ҳарбий билим ва кўникмаларни пухта ўзлаштириши, хусусан, IT, сунъий интеллект асосларини ўрганиши, замонавий қурол-аслаҳаларни бошқариши, хорижий тилларни эгаллаши таъсирчан лавҳаларда намоён бўлади.

Жалолиддин Мангуберди номидаги ҳарбий лицей ҳамда “Темурбеклар мактаби” ўқувчилари ижросидаги шеър ва қўшиқлар, ҳарбий жамоаларнинг чиқишлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Таниқли шоирларнинг ёш ижодкорлар томонидан ўқилган ўтти мисралари олқишлар билан кутиб олинади.



Ҳоким Қўдобоев оingan суратлар.

Янги тарихимиз саҳифаларида ҳаммамиз доим ҳурмат ва миннатдорлик билан эслайдиган шундай инсонлар борки, улар мустақиллигимиз ҳимояси йўлида, шарафли хизмат бурчини ўташ чоғида жон фидо этган чинакам қаҳрамонлардир. “Ҳамиша қалбимиздасиз” номли композицияда Ватан мудофааси йўлида мардларча ҳалок бўлган оталари изидан бориб, ўзлари ҳам ҳарбий соҳани танлаган фарзандларнинг дил сўзлари, “Ботирлар” номли хотира қўшиғи қалбларни ларзага солди.



Янги тарихимиз саҳифаларида ҳаммамиз доим ҳурмат ва миннатдорлик билан эслайдиган шундай инсонлар борки, улар мустақиллигимиз ҳимояси йўлида, шарафли хизмат бурчини ўташ чоғида жон фидо этган чинакам қаҳрамонлардир. “Ҳамиша қалбимиздасиз” номли композицияда Ватан мудофааси йўлида мардларча ҳалок бўлган оталари изидан бориб, ўзлари ҳам ҳарбий соҳани танлаган фарзандларнинг дил сўзлари, “Ботирлар” номли хотира қўшиғи қалбларни ларзага солди.

Тадбир давомида саҳнадаги иштирокчилар билан залга йиғилган томошабинлар бир бутун вужудга айланиб кетди. Бу, албатта, “Ватан манзумаси” дастурининг мақсад-гоялари эл-юртимиз дилидаги ҳис-туйғуларга ҳамоҳанг эканидан, халқимиз

нинг онгу тафаккури, бутунги ва келажақ ҳаётимизга дахлдорлик туйғуси юксалиб бораётганидан далolatдир.

Адабий-маърифий дастурни томоша қилган одам тинчлик энг бебаҳо неъмат эканини, у ўз-ўзидан таъминланмаслигини, осойишталикни сақлаш учун шу юртнинг ҳар бир фарзанди бирлашиши, аҳил-иноқ, Ватанга садоқатли бўлиши, Ватанни онани севгандек севиши, онани ҳимоя қилгандек ҳимоя қилиши лозим ва шартлигини яна бир бор теран англаши шубҳасиз.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



**одамларда тадбиркорлик кўникмасини
ошириб, ишсизликни бартараф этишга хизмат қилмоқда**



Буларнинг барчаси янги Ўзбекистон тараққиётини ифода этадиган йўналишлардан бири — маҳаллавий тизимда эришилаётган ўзига хос натижаларнинг бир қўрғиниши. Бугун бундай ўзгаришларнинг самарасини барча маҳаллалар ҳаётида кўриш, кузатиш қийин эмас. Табиийки, маҳаллага кириб бораётган янгиланish нафаси ҳар бир оила, ҳар бир инсон ҳаётида ўзгариш ясаб, олдимизда турган эзгу мақсад — инсонпарвар жамият, буюк ва қудратли давлат барпо этишда эзгу мақсадларимиз рўёбига змин бўлмоқда.

Тиббий саводхонлиги юқори юртдошларимиз ҳафтада ҳеч бўлмаса бир маротаба балиқ истеъмол қилиш фойдали эканини яхши билиб, уни ўз овқатланиш рационига киритади. Бу масалада муаммо йўқ, чунки бозорларимизда балиқлар тури, сони ва сифати ошиб борапти. Балиқ етиштиришга қизиқиш ҳам унинг истеъмолдан кам бўлмаяпти.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Бугуннинг гапи

Жамшид АБДУЗУҲУРОВ,
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
департамент бошлиғи ўринбосари

Бу йил қишнинг охири ойда қор мўл бўлди. Бу яхши. Чунки бугун чўққиларга ўрнашган қор ёз чилласида экинлар жонига оро қиради. Ёдингизда бўлса, хали ҳаво совимай туриб, ижтимоий тармоқларда қорли об-ҳавонинг қишлоқ хўжалиги экинларига, хусусан, пиез нархи кўтарилишига сабаб бўлиши ҳақида ёзилди. Хўш, амалда шундай бўлдимми? Айтиш керакки, мамлакатимизда совуқнинг аграр соҳага салбий таъсирининг олдини олишга доир зарур чора-тадбирлар аввалдан кўрилади ва бу жараён мунтазамлик касб этган.



Жорий йил ҳосили учун тўқсонбости усулида парваришланаётган пиез ва саримсоқпиезга эса бу совуқ деярли таъсир кўрсатмайди. Сабаби, август-сентябрь ойларида экилган пиез 2-3 марта суғорилган ва 25-30 сантиметр ўсиб қишлаган кирган. Уларнинг илдизи яхши ривожлангани боис, совуқ таъсирини кўрсатиши эҳтимоли жуда паст. Зеро, тўқсонбости экинлар ўз номи билан қишнинг тўқсон кунига қор босиб туришини инобатга олган ҳолда шундай номланган.

Республикада 2024 йил ҳосили учун барча тоифа хўжаликларда август-сентябрь ойларида 117,5 минг гек-

Чунки ҳаво ҳарорати дарахт куртак чиқарадиган даражага етмаган. Деҳқонларимиз яхши билади, об-ҳаво ҳарорати 5 даражага совиб кетса, шакл бериш ишлари тўхтатилади. Бунинг асосий сабаби — кесилган жой ёрилиши ёки зарарланиши, совуқ уриши мумкин. Шунинг учун боғларимизга шакл бериш тадбирлари вақтинча тўхтатиб турилди. Лекин бошқа агро-техник тадбирлар, яъни яхоб сув бериш ёки баҳорчи “Бордо” суяқлиги билан ишлов бериш ишлари давом эттирилди. Бу агротехник тадбирлар унга ҳеч қандай зарар етказмайди.

СОВУҚ ҲАРОРАТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИГА ҚАНЧАЛИК ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

тардан зиёд, ноябрь-декабрь ойларида тўқсонбости усулида қарийб 626,5 минг гектарда пиез экилган. Айни пайтда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва унинг тизимидаги илмий-тадқиқот институтлари олимлари томонидан тўқсонбости пиез ва бошқа экинларни совуқдан асраш бўйича зарур агротехник тадбирлар ўтказиш юзасидан илмий тавсиялар ишлаб чиқилиб, жойларга юборилган. Қолаверса, тажрибали деҳқон ва фермерлар қишлоқ хўжалиги экинларини совуқдан асраш бўйича кўп йиллик тажрибалардан келиб чиқиб, зарур чора-тадбирларни кўромоқда.

Совуқ ва иссиқ талабидан келиб чиққан ҳолда сабзавот экинларини 5 гуруҳга бўлиш мумкин. Ёнг совуқбардош ва қишга чидамли ўсимликлар (пиез, саримсоқпиез, шовул, ерқалампир, раво) қишда 10-15 даража, қор остида бўлса, 20-25 даража совуққа бардош беради, уларнинг ер остидаги қисмлари яхши қишлайди.

Март ойда кузатилган қорли кунлар, яъни об-ҳавонинг нисбатан совуқ бўлиши кўпчиликда хавотир уйғотди. Ноқулай қорли об-ҳавонинг боғ ва тоқзорларга салбий таъсири ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хўш, улар қанчалик асосли?

Шу ҳафта ёғиб ўтган қор ва кечалари кузатилган совуқ ҳароратнинг боғ ва тоқзорлар учун хавфи катта эмас. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Масалан, узумчилик йўналишини олайлик. Барча тоқлар кузда тупроқ билан қўмилган, демак, ҳозирги пайтда улар тупроқ остида ва хавфсиз. Айни шу шароитда мутахассис сифатида айтишим мумкинки, тоқзорларда совуқ уриш ҳолатларини кузатмаймиз. Айни кунларда барча тоқзорларга яхоб сув берилган, тиним даври ҳисобланади.

Боғлар ҳақида гапирадиган бўлсак, тўғри, айни кунларда агротехник тадбирлар бошлаб юборилган. Аммо боғларда уйғонган даври етиб келмади.

Мамлакатимиз аграр тармоғида илғор инновациялар, экин экиш ва парваришланишнинг замонавий усуллари қўлланиш эвазига 2023 йилда етиштирилган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларининг умумий қиймати 426,3 триллион сўмини ташкил этган. Яъни ўтган йили 8,4 миллион тонна дон маҳсулотлари, 3,6 миллион тонна картошка, 11,6 миллион тонна сабзавот, 2,4 миллион тонна полз, 3,1 миллион тонна мева ва резавор, 1,7 миллион тонна узум ҳосили олган.

Юртимиз шароитида пиезнинг янги, серҳосил ва турли муддатларда етиштиришга мос навларини яратиш, уруғи, кўчати ҳамда нўшидан етиштиришда тақомиллашган технологияларни, хусусан, сув тежовчи технологиялар тизимини қўллаш орқали ҳозирги кунда қатор фермерларимиз пиездан мўл ҳосил олмақда. Хориж бозорларига ҳам пиез харидор-гир маҳсулот сифатида сотиляпти. Жумладан, Польшанинг қатор шаҳарларида Ўзбекистон пиезига талаб жуда юқори. Ушбу давлат сотувчилари маҳсулот сифати юқорилиги бўйича Ўзбекистон маҳсулотларини маъқуллашади.

Юртимизнинг эртагишар қарами Латвия супермаркетларида харидор-гир маҳсулотлар қаторидан жой олган. Ушбу давлат ҳар йили мамлакатимиздан 200-250 миллион долларлик сабзавот импорт қилади. Қарам ушбу даромаднинг 10 фоизини ташкил этиб, бозори чаққон маҳсулот сифатида иссиқхонада етиштирилган помидор ва пиездан кейин учинчи ўринда туради.

Умуман, ўтган йили хорижга қиймати қарийб 1,2 миллиард долларлик 1,7 миллион тонна мева-сабзавот экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2022 йилдагига нисбатан 18,9 минг тонна кўпайди.

Демоқчи бўлганимиз, ёққан қор ва ёғётган ёмғирдан хавотир олманг. Зеро, доно халқимиз айтганидек, ёгин-гарчилик самодан ерга тушаётган барака, эртанги ҳосил манбандир.

Янгича ёндашувлар

ЭЛЕКТР ТОКИДА МУАММО БОР, ЛЕКИН АЭРАТОР ЎРНАТИЛГАН БЎСТОНЛИҚДАГИ ХОНАДОНЛАРДА БАЛИҚЧИЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛИ ОММАЛАШАЯПТИ

Ирода ТОШМАТ

“Ривожланган мамлакатлар коинот узра кезиб юрганда биз машиий муаммолар мухокамасидан нарига ўтолмаямиз”, деган гапларни тез-тез эшитамиз. Хўш, нега биз уча олмаямиз, бунга айбдор ким? Ўзимиз эмасми?

Анъанавий ўзбек оиласида бугунги кунда фарзандни боғчага бериш нисбатан омма-лашди, яъни мактабга таълим билан қам-ров кўрсаткичлари олти-етти йил аввалгига нисбатан катта фарқ билан ошди. Илгари аксар болаларнинг биринчи таълим маскани мактаб эди. Бироқ бола етти ёшгача ранглар-ни ажратадиган, содда ҳисоб-китобга тиши ўтадиган, яхши муомала билан ёмон муома-ланнинг фарқига борадиган, ҳатто сўзлашувда уч-тўртта аргю жаргонни ўзига “юқтириб” улгурган бўлади. Таълим борасида эса улар-нинг аксарияти мактабгача фақат санаш ва алифбони ўрганиб келарди, холос. Хорижий тилдаги ўн-ўн бешта сўзни билгани эса “энг аълочи” бўларди. Орадаги тафовут кўламини тасаввур қиляписми?

лим олмаган” бўлиб чиқамиз? Бундан хулоса қилинадики, ислохотлар бошланганига ҳали кўп бўлмаган, муайян рельста тушиб улгур-маган таълим тизимимизни Европаники билан таққослаш ҳозирча абсурддан бошқа нарсас эмас.

Машҳур нотик Жорж Дантоннинг ҳикмат-ли сўзи бор: “Халқ учун нондан сўнг энг му-ҳими мактабдир”. Биз эса уни бир оз таҳрир-лаб, талқин қилмоқчимиз — халқ учун нондан сўнг энг муҳими мактаб бўлиши шарт!

Инсон овқатланмасдан яшай олмайди, бироқ таълимсиз яшати мумкин. Аммо бун-дай яшашни яшаш деб бўладими? Хўш, биз учун нондан кейин энг муҳими нима? Ҳаёлга негадир бирваракайига тўй-ҳашам, дабда-баю асоса келади. Негар? Чунки ҳақиқатан

фарзандни қиммат боғчаю мактабларга бе-радиган, лекин ўзи ҳаётда билимдан деярли фойдаланмайдиган ота-оналик фалсафаси фақат бизнинг миллатга хос бўлса керак, деб ўйлаймиз.

Бироқ масалага бирёқлама ёндашиш нотўғри эканини, танганинг иккинчи томо-ни ҳам борлигини яхши англаймиз. Бугун ўзи ҳам таълимга жонкуяр, фарзандларнинг яхши ўқишини рағбатлантираётган ота-она-лар минглаб. Айнан уларнинг фарзандлари фанларни пухта ўзлаштиряпти, тил ўргана-пти, кашфиётлар қилмоқда, нуфузли хорижий олийгоҳлар грантини қўлга киритаётир. Ас-лида бутун миллат ўрнак олиши лозим бўл-ган инсонлар шулар эмасми?

Шу ўринда, таъкидлаб кетишни ўринли ҳисоблаймиз — хорижий тилларни билиш-нинг ўзи ҳеч қачон илм ҳисобланмаган. Тил билиш — малака. Айнан хорижий тил ўр-наш инсон учун билим қонига дарча каби-дир. Ривожланган мамлакатлар таълим тизи-



БИЗ ФАЗОГА ҚАЧОН УЧАМИЗ?



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Жаҳонда сифат жиҳатидан тан олинган Финляндия таълим тизимига назар солсак, болалар боғчадаёқ санъат, рақамли техноло-гиялар, саломатлик ҳамда қисман гумани-тар фанлар билан танишади. Бола мана шу фундаментал билимларни эгаллагандан сўнг унга таълим беришнинг кейинги босқичини мактаб бўйига олади. Бу занжир шу зайдла давом этиб, орада бирор узилиш бўлса, бола тўлиқ таълим олмаган, дея баҳоланади. Энди эса таққослаб кўринг, шу тизим орқали ҳи-соблаб кўрилса, неча мингимиз “тўлиқ таъ-

юртдошларимизнинг аксари ҳануз ана шу ақида билан яшайди. Ёзилмаган қоидалар орқали бир-биримиз бил-ан “ҳашам пойғалари” ўйнашга, тўй қилишга, тўй қилиб элдан мактов эшитишга ўлгудек ружу қўйганмиз. “Ўлгудек” ибораси қўлогингизга гализ эшитили-ши мумкин, бироқ ҳақиқатан аксариятимиз учун элга тўй беролмай, “юзимиз шувут бў-лиши”дан кўрқиб ўлим билан баробардек. Бутун халқ ҳақида бир хил, умумий баҳо берма, деб айтишингиз мумкин. Бироқ таро-зининг тош босган палласи ҳисоб ҳамда баҳоловчи ҳамиша шу паллага қараб хулосалайди.

Бутун фикру ҳаёлини ҳашам эгаллаган одамнинг таълим билан шугулланишга қай-дан вақти бўлсин? Таълимга амалдор масъул десак, у ҳам ўзбек, у ҳам тўй қилиши керак. Таълимга ўқитувчи масъул десак, ўқитувчи ҳам ораниздаги инсон, уям тантана билан ўғил ўйлантириш, қиз узатишни ору қилад-ди. Таълимга ўқувчининг ўзи масъул, ўзида қизиқиш бўлмаса, ислохотнинг самараси йўқ десак, ўқувчи бу қизиқишни қардан олсин? Наҳотки, ҳақаматли машинаю ўйлар орзуси-да юрадиган айрим оталаримиздан шундай мотивация олиш мумкин бўлса? Ўзим ўқий олмадим, лекин болаларимни ўқитаман, деб



ми аллақачон бунга англаб улгурган. Демак, 11 йиллик мактабни бирор хорижий тил сер-тификатига эга бўлиб битириб чиққан ўқувчи ҳам мактаб даврини мазмунли ўтказибди, деб хулосалай олмаймиз. Бироқ ана шу малакани ҳам мактагулик даражада ўргата олмаётган мактабларимизни қўшимча курслар ёрдами-да тил сертификатлари билан тамомлаётган ўқувчиларимизнинг отасига раҳмат.

Биз учун мактабнинг вазифаси — таълим ва тарбия бериш. Шу ўринда новатор педагог Василий Сухомлин-скийнинг “Таълим — тарбия номили гулнинг бир гулбарги, холос” деган ҳикматли сўзи ёдга келади. Бу ҳик-мат асрлар давомида шаклланиб қолган тушунчаларимизни инкор этадигандек. Жамиятга қараб хуло-са қилинса, халқимиз тафаккурида таълимнинг аҳамияти тарбиядан анча устун. Ҳарф ўргатиш учун фар-зандимизни мактабга берамиз, бироқ тарбиясига ҳам ана шундай масъулият билан ёндашамизми? Йўқ, сабаби, ўзбе-кона муҳитда таълим тарбиянинг бир бў-ғини сифатида эмас, аксинча, тарбия таълим-нинг бўлаги деб тушунилади ва тарбия ҳам мактабдан талаб қилинади. Таълим даргоҳла-ри эса ўзини фақатгина ўқитишга масъул би-либ, тарбия билан етарлича шугулланмайди. Натижада каттагина гулнинг кичкина гулбар-ги баҳоли қудрат парваришланади, қолгани эса бўлганича.

Ҳолатимиз шундай экан, биз ҳам коинот-ни кезиб юрадиган тафаккур соҳибларини тарбиялаш учун нима қилишимиз керак? Ахир таълимнинг сўнги йўқ, бироқ бугун-ги кун кў



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ОРЗУСИ

“ҚҲЙВОР НАБИРАНГНИ, ОТАЖОНИМ, ШАРҚ...”

Атоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг ушбу мисрасини ўқиганимда мен талаба эдим. Балки ўша пайтда бу шеърнинг маъносини чуқур тушунмагандирман. Шоир бу мисрани битаётганида ҳис қилган туйғулар қалбимдан ўтмагандир...

Мамлакатимиз аҳолиси сони 37 миллионга яқинлашиб қолди. Насиб бўлса, яна беш-ўн йилда 50 миллион нуфусга эга катта давлат бўлаемиз. Бунча одамни боқиб, иш ўрни яратишнинг ўзи бўлмайди. Шундай экан, баъзи юртдошларимизнинг мигрантларимизни Ватанга қайтариш керак, деган гаплари, чақириқлари асоссиздек кўринади.

Абдужалол ТАЙПАТОВ,
журналист



Лекин, мана, орадан кўп йиллар ўтиб, набирам — катта қизимнинг фарзанди сабаб бу шеър, тўғрироғи, шу бир мисра лоп этиб яна ёдимга тушди ва бу гал мен Абдулла Ориповни, у илгари сурган фалсафани, ғояни тушундим. Шоирнинг буюклиги, истиқболни кўра олиш қобилиятига яна бир қарра тан бердим.

Набирам Мадина болалигидан кўп нарсаларни қизиқувчан бўлиб ўлғайди. Расм чизишга қизиқиб, тўғаракка қатнади. У чизган суратлар ҳозир қизимнинг меҳмонхонаси деворларини безаб турибди. Кейин дутор чалишга қизиқди, ўрганди. Аини пайтда бу созда бир неча мумтоз куй чала олади.

Ўсмирлик инжиқликлари ортда қолиб, мактабни олтин медаль билан битирди. Ота-онаси бир оз ўжар, бир оз эркатой, айтганини қилдирадиган бўлиб ўлғайган бу фарзанднинг келажакдан ташвишга туша бошлади. Келгусида қандай одам бўларкан, рўзгор ишларига эътиборсизроқ бу қиз мустақил қандай рўзгор тутаркан? Бу гапларни улар ошқора айтмасда, бобо сифатида ҳис қилардим. Балки менга шундай туюлгандир.

Ўйларига борганимда набирам олдимга кирар ва кўпроқ суҳбатлашишга интиларди. Унинг қизиқиб ва саволларининг адоғи йўқ эди. Бир сафар борганимда қаерда ўқимокчи эканига қизиқдим.

— Бобо, сиз менга ёрдам беринг, дадам билан ойим кўнмаяпти, — деди Мадина. — Японияда ўқимокчиман!

Унинг кўзлари ёнади. Мен нигоҳимни олиб қочдим: “Бу қизи тушмагур кимга ўхшади?!”

Дабдурустан айтилган илтимосига нима деб жавоб беришни билмай,

қолдим. Мадинанинг ота-онаси ўйлаган хавотир менга ҳам ўтди: “Қиз бола бўлса...”.

— Ўзимизда ҳам яхши институтлар бор-ку, қизим. Ким бўлмоқчисан?

— Дизайнер! Қурилиш бўйича дизайнер бўлмоқчиман. Тошкентда қурилат-



бўлмоқчиман?” мавзусида иншо ёздирганди. Шунда кимдир ўқитувчи, кимдир инженер, кимдир раис бўлмоқчиман, деган бўлса, бир синфдош қизимиз учувчи бўламан, деб ёздирди. Шунда ҳали қиз болаларнинг олий маълумот олиши унча урф бўлмаган олис Кўкдаладаги қишлоқ мактабининг ўқитувчиси — муаллими-миз мийинида қулиб, “Илоҳим, ниятла-

қасидаги олис давлатда, тили, маданияти, кадриятлари, турмуш тарзи бегона одамлар орасида ўқийман деб кўзи ёниб турса, бу бобо нима десин, хурсанд бўлсинми ё йилгасин?!

Хуллас, Мадина японларнинг ўзи Тошкентда очган курсга қатнаб, япон тилини ўргана бошлади. Энди уйларига борганимда суҳбатимиз фақат Япония ҳақида бўларди. У қисқа муддатда япон тилини ўрганиб, сертификат олди. Япония ҳақида шундай кўп маълумот йиғдики, биз ҳам бу давлатга қизиқиб, кўп нарсани билиб олдик.

Қисқаси, барча расмий ҳужжатлари тайёр бўлгач, Тошкентдан бошқа жойга чиқмаган, “дом” шароитида яшаган, нари борса, ота-онаси туғилиб ўсган қишлоққа ёзги таътил пайтлари борган 18-19 ёшли қиз баҳорнинг илк кунларида самолётга ўтирди-ю, бирор таниши бўлмаган бегона юрт — олис Японияга учди-кетди.

Мадинани самолётга кузатгани чиққаннимизда ота-онаси қандай туйғуларни ҳис қилганини билмадим, лекин мен қаттиқ ҳаяжонландим. Бу қиздаги журъат, айтишим мумкинки, жасорат, мақсад сари дадил интилиш ҳаяжонланганди. У бу мустақил ҳаёт йўлини ўзи танлади...

Ҳозир неварам билан ҳар куни телефонда гаплашиб тураемиз. Ҳам ишляпти, ҳам ўқияпти. У шундай жўшиб гапирдики, телефонни қўйгинг келмайди.

Кунни кеча ҳам гаплашдик. Ўзлари дадил, кўриниши яхши, чеҳраси очик, ҳали кетганига бир йил бўлмаса-да, анча улғайбди, назаримда. Яшашни, кундалик харажати билан қизикдим.

— Ўйдан пул олмаяпман, энди бир оз пул жамгаряпман. Бу ерда ҳаммаси яхши, лекин Ўзбекистонимизни аянам кўпроқ яхши кўриб қолдим, — дейди у.

Ўқишни битириб, набирам қандай мутахассис бўлишини ва у Ўзбекистонда қаерда ишлашни тасаввур қилолмайман. Лекин шуни аниқ биларман ва ишонаман: у мустақил инсон бўлиб қайтади!

Одатда ёши катталар ёш авлодни кўп ҳам қабул қила олмайди. Мен ҳам улардан бириман. Ёшларнинг андишасизлиги, бетгачопарлиги, биз кўнникан, ҳаётимизга сингиб кетган баъзи одатларни инкор қилиши, телефонга ружу қўйгани, кийиниши ва ҳоказолар бизга ёқмайди. Бир кунни Инха университетига ўқийдиган катта набирам футболка кийиб ўқишга



Биздан хорижга чиқиб кетаётган оддий оилаларнинг фарзандлари бир кун келиб йирик шахслар — турли соҳанинг билимдон, малакали мутахассисларига айланади ва халқимиз мана шу йўл билан дунёнинг барча давлатида мустаҳкам ўрнашади. Дунёнинг ҳамма бурчагида ватандошларимиз муқим ўрнашиб, ишласа, фаровон яшаса, бу яхши-ку!

отланаётганини кўриб қолиб, уришдим: “Одамга ўхшаб кийиниб юрсанг бўлмайди?!” Ҳеч бўлмаса, ўқишга бораётганимизда”. У қулиб қўйди-ю, ташқарига отилди. Кечқурун телевизорда не кўз билан кўрайки, бир туман ҳоқими — набирамдан чамаси 7-8 ёш катта киши набирамникига ўхшаган либосда интервью берарди. Ўйладим: “Демак, биз эскирибмиз. Бу кийим ҳозир урфда экан”. Шундан кейин набирамга гапирмай қўйдим...

Бироқ Мадина саъй-ҳаракати билан бугунги ёшлар ҳақидаги фикрларимни ижобий томонга ўзгартириб кетди. Ёшларимиз орасида истеъдодли, ўқишга, ўрганишга ташна, интилувчан, қатъиятли, жасур йигит-қизлар кўплигига ишонаман. Набирам баҳона хорижга ўқишга, ишга чиқиб кетаётган миллионлашларимиз ҳақида баъзи мулоҳазаларимни билдириш истағи пайдо бўлди.

Бугун Ўзбекистон дунёга, дунё Ўзбекистонга очилди. Мамлакатимиз аҳолиси сони 37 миллионга яқинлашиб қолди. Насиб бўлса, яна беш-ўн йилда 50 миллион нуфусга эга катта давлат бўлаемиз. Бунча одамни боқиб, иш ўрни яратишнинг ўзи бўлмайди. Шундай экан, баъзи юртдошларимизнинг мигрантларимизни Ватанга қайтариш керак, деган гаплари, чақириқлари асоссиздек кўринади.

Чет элга иш излаб, пул топиш мақсадида чиқиб кетаётган ёшларимизни қонуний асосда юборишимиз, ўзга давлатларда уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишимиз зарур. Аввало, уларни бу ерда қисқа муддатли курсларда ўқитиб, касб-хунари қилиши, малакали мутахассис сифатида тайёрлаб, тил ўргатиб, жўнатиш бўйича ҳозирги ишларни кенгайтиришимиз лозим. Ана шунда хорижга кетаётган йигит-қизларимиз борган жойида тезроқ ўрнашади, иш топади ва қийналмасдан яшаб кетади. Бу борада, албатта, давлат даражасида қайгурилиши шарт.

Қадимда ҳам аҳоли яшаш учун қулай манзилларга кўчиб юрган. Бу ҳаракатни табиий қабул қилишимиз керак. Масалан, юртдошларимиз кўпроқ кетаётган қўшни давлатлардан Қозоғистон, Россияни олиб қарайлик. Бу давлатларнинг ҳудуди катта, ҳудудига нисбатан

аҳолиси кам. Шунинг учун ишчи қучига эҳтиёж юқори. Бу эҳтиёжни ўзбеклар ва бошқа халқлар таъминласа, бунинг нимаси ёмон? Балки давлатлараро шартномалар асосида Россия ёки Қозоғистоннинг хувилаб ётган қишлоқларидаги ерларни ижарага олиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун фойдаланиш мумкин. Россиянинг ҳам, Қозоғистоннинг ҳам ери унумдор, табиати серёгин, дарёлари кўп, сув тақчиллиги муаммоси йўқ. Халқимиз меҳнаткаш, миришкор, ҳам ўзини боқади, ҳам дунё бозорига ўзбек бренди асосидаги маҳсулотлар етиштириб беради. Ёки Европадаги ишчи қучига муҳтож давлатларга ҳам ёшларимизни шартнома асосида жўнатишимиз керак. Чунки бу қитъа аҳолиси “кекса-йи” қолди, у ерларда иш ўрни кўп.

Тоҳида ишга метрода келиб-кетаман. Эрталабки тирбанд соатларда метро бекатида турган, вагонларга чиқаётган йўловчиларга назар ташлаб, мени ваҳима босади. Ўқишга, ишга шошаётган, аксарияти ёшлардан иборат бунча одамга эртага дониий иш топиб бермасак, нима бўлади? Уларнинг ҳар бирига иш, уй, машина ва ҳоказо керак. Аҳолимиз эса кун эмас, соат сайин кўпайиб борапти...

Одатда меҳнаткаш инсонлар, кўпроқ қийинчилик кўрган оилалардаги ота-оналар фарзандларининг ўзидан устун, билимли, ўқимишли одамлар бўлишини, ўзи кўрган азобларни улар кўрмаслигини истайдим. Қийналиб топган маблагини болаларининг ўқиши, мутахассис бўлиб етишиши учун сарфлайди. Ота-онасининг қийналиб пул топаётганини кўрган болалар ҳам улар истаган фарзанд бўлишга интилади. Натигада бундай йигит-қизлардан келгусида яхши мутахассис, олим, илмфан, ижод қилишлари етишиб чиқади. Бу ҳаёт сикновидан ўтган ҳақиқат.

Шундай экан, биздан хорижга чиқиб кетаётган оддий оилаларнинг фарзандлари бир кун келиб йирик шахслар — турли соҳанинг билимдон, малакали мутахассисларига айланади ва халқимиз мана шу йўл билан дунёнинг барча давлатида мустаҳкам ўрнашади. Дунёнинг ҳамма бурчагида ватандошларимиз муқим ўрнашиб, ишласа, фаровон яшаса, бу яхши-ку!

Хитой компаниялари бугун Ўзбекистоннинг барча ҳудудида қўшма корхоналар очди. Бу узоқни кўзлаган давлатнинг ақли тадбири. Халқимиз ҳам худди хитойликларга ўхшаб ўзининг заққолиги, ақли, тадбиркорлиғи меҳнаткашлиги билан дунёни забт этишига ишонамиз. Шу ўринда, атоқли файласуф шоиримиз Абдулла Ориповнинг сарлавҳага чиқарилган мисрасига қайтамиз. Донишманд шоир неча йиллар олдин англаган ва ёзган бу мисра замиридаги ҳақиқат бугун ҳам маёдек халқимизга йўл кўрсатиб турибди.



Чет элга иш излаб, пул топиш мақсадида чиқиб кетаётган ёшларимизни қонуний асосда юборишимиз, ўзга давлатларда уларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилишимиз зарур. Аввало, уларни бу ерда қисқа муддатли курсларда ўқитиб, касб-хунари қилиш, малакали мутахассис сифатида тайёрлаб, тил ўргатиб, жўнатиш бўйича ҳозирги ишларни кенгайтиришимиз лозим. Ана шунда хорижга кетаётган йигит-қизларимиз борган жойида тезроқ ўрнашади, иш топади ва қийналмасдан яшаб кетади. Бу борада, албатта, давлат даражасида қайгурилиши шарт.

“Уларнинг тилини билмайсан-ку, тўғри-ми?” дедим.

— Ўрганаман. Инглизчада гапиришни ўргандим-ку!

Тўғриси, мендай совет мактабда ўқиган, муайян қолипларга ўрганган одам учун бу мутлақо янги гап эди. Бир оз ўйлаб

ган уйларга қаранг, ҳаммаси бир хил. Мен дунё архитектурасини Тошкентга олиб келмоқчиман. Дунё ранг-баранг. Шаҳарларимиз кўриниши ҳам ранг-баранг бўлсин.

Ҳаёлим бололикка, мактабда ўқиб юрган йилларга олиб қочди. Қайсидир синфда адабиёт ўқитувимиз “Ким

рингга етгин, қизим!” деганди ва кўзини олиб қочганди.

Айни пайтда ўша ўқитувчининг ҳолатида эдим. Мактабни битирганига қадар бор-йўғи туман марказига икки-уч марта борган, ҳали вилоят марказини, мамлакат пойтахтини ҳам кўрмаган мендек инсоннинг набираси бугун дунёнинг бир чек-

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Kolograk” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 875.

44909 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** услухида. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоси келишилган нархда.

“Kolograk” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Хайриддинмурод Абулфайзов
Мусахҳих: Маломат Мингбоева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.